



Бу янгиланмайдиган архив саҳифа.

[Саҳифаларни архивлаштириш борасида маълумот \(инглиз тилида\)](#)

Қозоғистон: маҳкама ўзбек қочқинини Ўзбекистонга топширишга қарор қилди

Шодиёр Сайф

Би-би-си, Олма-ота

Сўнги янгилаш 21 январ 2013 - 12:48 GMT

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)



Хайрулло Турсунов 9 ойдан буён Ақтўбе муваққат ҳибсонасида сақланади

Қозоғистон маҳкамаси бошпана изловчи Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонга бериб юбориш ҳақида ҳукм чиқарди.

Хайрулло Турсунов 9 ойдан бери Ақтўбе шаҳар вақтинчалик тергов изоляторида ушлаб турилибди.

У Ўзбекистонда конституцион тузумга тажовуз қилиш ва диний экстремистик ташкилотларга аъзоликда айбланмоқда.

Ҳуқуқ ҳимоячилари Турсуновни Ўзбекистонда қийноқлар тутилиши ва адолатсизликка дучор бўлишидан хавотир билдирмоқда.

Ақтўбе вилоят маҳкамаси Қозоғистон Бош прокуратураси томонидан чиқарилган Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонга экстрадиция қилиш қароририни ўз кучида қолдириш ҳақида ҳукм чиқарди.

"Маҳкамада таржимон, прокурор, адвокат ва Турсуновнинг ўзи иштирок этди. Биз Хайрулло Турсуновни Ўзбекистонга бериб юбормасликни ва у истаган давлатига чиқиб кетиши учун суд залидан озод қилишни сўрадик. Бироқ ҳакам Нуриля Сатибалдина уни Ўзбекистонга бериб юбориш ҳақида қарор чиқарди", - дейди адвокат Кенес Жусупов.

Адвокатнинг илова қилишича, Қозоғистон қонунчилиги бўйича, экстрадиция масалаларида вилоят маҳкамаси энг сўнги инстанция ҳисобланади.

Турсунов ҳимоясида фаол иштирок этган ва адвокатга маблағ ажратган "Ўтораклар клуби" раҳбари Мўтабар Тожибоева Қозоғистон маҳкамасининг ушбу қароридан афсусда эканини айтди.

"Қозоғистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзо бўлишига қарамасдан, яна бир қочқинни Ўзбекистонга экстрадиция қилишга қарор чиқарди. Бу жуда ҳам ачинарли ҳолат", - деди Мўтабар Тожибоева.

Ҳуқуқбонга кўра, инсон ҳуқуқлари мунтазам бузилувчи Ўзбекистонга Қозоғистон 2011 йили 29 қочқинни бериб юборган эди.

Аммо ушбу адолатсиз ечимга қарамасдан Қозоғистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари қўмитасига аъзо ўлароқ сайланди.

2011 йили эса Оврўпада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига раислик қилди.

"Бундан шу нарса англашилаптики, Ўзбекистондаги репрессив режим олдида иложсиз қолаётган инсонларнинг тақдири масаласи, Европа Иттифоқи, ОХҲТ, БМТ ҳам кўз юмаётганга ўхшаб туйилапти", - дейди Мўтабар Тожибоева.

"Ўтораклар клуби" ушбу эътиборсизликка қарамасдан, БМТнинг Қийноқлар Қўмитасига Турсунов номидан уни экстрадиция қилмасликларини сўраб, шикоят хати тайёрлаган.

"Бугун Турсунов Хайруллонинг Ўзбекистонга экстрадиция қилинишга қаршилиқ билдириш мақсади-да, БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига Турсунов Хайруллонинг индивидуал шикоятини ёзиб тайёрладик. Тўғриси айтиладиган бўлсам, Турсунов Хайрулло Ўзбекистонга бериб юборилишига тўсқинлик қила оладиган куч борлигига мен ишонмайман. Лекин шундай бўлса ҳам, инсон бор умид билан ҳаракатни қилавериши керак. Шунинг учун Турсунов иши бўйича ҳаракатни давом эттираверамиз", - дейди Мўтабар Тожибоева.

Хайрулло Турсунов муқаддам Ўзбекистонда судланган, аммо 2005 йилнинг феврал ойида умумий авфга илиниб озодликка чиққан.

Бироқ 2009 йилнинг август ойида маҳкама қарори билан қисқа муддатга ҳибсга олинган, ўша вақти уни ҳибсда ушлаб турган МХХ ходимлари қийноқлар қўллаб, ҳуқуқ ҳимоячиси Ғайбулла Жалиловни топиб беришни талаб қилишган.

Турсунов 2009 йили ҳибсдан чиқиши билан Россияга қочиб кетади. Кейинчалик Ўзбекистондан қочиб чиқишга мажбур бўлган турмуш ўртоғи Нодири Бўриева ва болаларининг олдида Олма ота шаҳрига келиб БМТдан қочқинлик мақоми сўрайди.

Ўзбекистон унга нисбатан мамлакатда экстремистик-террористик гуруҳ дея тан олинган жамоа тузишда айблаган. Жиний тил бириктириб, диний жамоа тузишда айблаган.

[Бу ерда босинг Бош саҳифага қайтиш](#)

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)

Биз билан боғланинг

* Тўлдириш шарт бўлган жойлар

Сизнинг муносабатингиз:

Сиз билан боғланиш учун контакт деталлари:

Исм-шариф: Шаҳар: Email: * Телефон:

Сизнинг номангиз:

Шарҳ * (Кўпи билан 500 белги)

Рад этиш:

Мен дастур тайёрловчиларнинг мен билан боғланишларига розиман

Ушбу мавзуга оид кўпроқ материаллар

Яна ушбу мавзуга оид

[Қозоғистон ўзбекистонлик қочқинни ватанига топширади](#)

25.12.12

[Ўзбекистонлик бошпана изловчи БМТдан ёрдам сўради](#)

12.11.12

[Қозоғистондаги ўзбекистонлик қочқиннинг қамоқ муддати узайтирилган](#)

22.10.12

[Марказий Осиё](#)

[Ўзбекистонлик қочқин Қозоғистонда бир йилгача ҳибсда қолиши мумкин](#)

22.10.12

Алоқадор мавзулар

[Қозоғистон](#),

[Ўзбекистон](#),

[Инсон ҳуқуқлари](#)

Видео ва аудио




[Туркия, Туркия - 'азамат ўлка'!](#)




[Номаълум асирлар тарихи-видео](#)

[Томоша қилиш07:29](#)



['Талаба йигит пешонамга ватан хоини деб ёзиб қўйганди'](#)

[Томоша қилиш11:41](#)



['Хуррият 2014': 'Ватандан йироқда туриб ҳам унда яшаш мумкин'](#)

[Томоша қилиш07:17](#)



[Фарб киночилари панжасига панжа ураётган ўзбек қизи](#)

[Томоша қилиш07:50](#)



[Афғонистон ўзбеклари муסיқаси Парижда](#)

[Томоша қилиш07:14](#)



[Фарғона тонг отгунча...](#)

[Томоша қилиш17:45](#)



[Бу дунёнинг 'қилқўприги' қаерда?](#)

[Томоша қилиш](#)01:57



[Нимага эришдик? Тунислик рэппер инқилобни савол остига олади](#)

[Томоша қилиш](#)04:04



[Эркин Аъзам бугунги ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида](#)

[Томоша қилиш](#)05:20



[Икки қатағон анатомияси: Шукрулло ва М.Маҳмудов](#)

[Томоша қилиш](#)18:02



[Қуръони Карим маънолари ўзбек тилига шеърий таржима қилинди](#)

[Томоша қилиш](#)17:23



[М.Маҳмудов: Қамоқда мени ёзувчилигим асраб қолди](#)

[Томоша қилиш](#)04:51



[Тожиклар нега Хитойга юзланишмоқда?](#)

[Томоша қилиш](#)01:45



[Аёл, аҳволинг қандай? Би-би-си лойиҳаси](#)

[Томоша қилиш](#)02:56




[Бойга боққан бозор ё ялтир-юлтирлар дунёси](#)

[Томоша қилиш](#)02:29



[Бир миллион долларни осмондан сочишди](#)

[Томоша қилиш](#)00:49



[Видео: Татуировканинг маъноси борми?](#)

[Томоша қилиш](#)05:41

Муҳаррир танлови



[Осиё Ҷйинлари: Ғалаба онлари](#)



['Ўзбек ҳукумати четга чиққанлардан воз кечишга тайёр'](#)

[Тинглаш](#)11:50



[Гулнора Каримованинг вакили: 'Ўзбекистонда қонунлар ишламаяпти'](#)



[BBCUzbek веб-сайти ўзгарди](#)



[Хомид Карзайнинг ўтган 13 йиллик бошқарув даври суратларда](#)



[Бош прокуратура: Г.Каримова ишининг Оврўподаги текширувга алоқаси йўқ](#)



[Мухолифатчи аёли: "Мени ўзбек фуқаролигидан чиқариб юборишибди"](#)

[Тинглаш03:52](#)



[Исломий партия: "туҳмат" кампаниясидан азиятдамиз](#)

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

[Би-би-си Ўзбек Facebookда](#)

[Like](#)

[Би-би-си Ўзбек Twitterда](#)

[Follow](#)

[Би-би-си Ўзбек YouTubeда](#)

[Обуна бўлинг](#)

[Би-би-си Ўзбек Мой мирда](#)

[Like](#)

[Бош саҳифа](#)

[Ўзбекистон](#)

[Минтақа](#)

[Дунё](#)

[Мултимедиа](#)

[Спорт](#)

[Фан ва Маданият](#)

[Махсус лойиҳа](#)

[Lotinda](#)

[افغانستان](#)

Хизматлар

[RSS](#)

[Мобил Телефонлар](#)

[E-MAIL ЯНГИЛИКЛАР](#)

[Сизнинг ижодингиз](#)

Бошқа Би-би-си сайтлари

[BBC Russian](#)

[BBC Azeri](#)

[BBC Kyrgyz](#)

[BBC Turkish](#)

[BBC Tajik](#)



[Mobil versiyasi](#)

[Foydalanish shartlari](#)
[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[BBC haqida](#)
[Saytga kirish yordami](#)
[Би-би-си билан уланинг](#)

BBC © 2014 BBC tashqi sahifalar uchun ma'sul emas.